2014 йил 30 декабрь, сешанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 251 (12.812)

Баҳоси эркин нархда



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Янги йил байрами

## «ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ» ЗАВҚИ

**«Туркистон» саройида 29 декабрь куни «Президент арчаси» тантаналари бошланди.**

Мамлакатимизнинг барча болалари орзиқиб кутувчи ушбу шодиёналарга Тошкент шаҳридаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган, серфарзанд оилаларнинг ўғил-қизлари таклиф этилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда навқирон авлодга меҳр-эътибор кўрсатиш, пухта таълим бериш, уларни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида камол топтириш масаласи амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсадини ташкил этади.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурининг ҳаётга кенг жорий этилиши натижасида ўғил-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга оид ишларни янада такомиллаштириш, ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, маънавиятини юксалтиришга доир эзгу ишлар ҳажми тобора ортмоқда. Дастурга кўра, болаларни жисмоний ва маънавий ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи ахборотлардан ҳимоялаш, уларни спортга кенг жалб этиш, мактабгача таълим масканлари, оилавий поликлиникалар, спорт-соғломлаштириш муассасалари, болалар ижодиёти марказлари фаолиятини такомиллаштириш, таълим-тарбия масканларининг моддий-техник базасини янада яхшилаш, ўқитиш сифати ва мазмунини юксалтириш юзасидан кенг кўламли ишлар бажарилди.

Бу жараёнда миллати, тиббий-ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, барча болаларнинг ўқиши, касб-ҳунар эгаллашига оид имкониятларни янада кенгайтириш, улар учун муносиб шароит яратиш, алоҳида эҳтиёжли болаларга кўрсатилаётган ижтимоий-ҳуқуқий, маънавий кўмак кўламини ошириш, уларни спорт-соғломлаштириш, бадиий ижодиёт, ўқув-фан тўгаракларига кенг жалб этиш, манфаатларини ҳимоялаш юзасидан тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг саломатлигини асраб-авайлаш, зарур тиббий муолажаларни кўрсатиш юзасидан бир қатор лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, Тошкент, Андижон, Наманган ва Фарғона шаҳарларининг марказий кўп тармоқли поликлиникалари ҳузуридаги ногирон болаларга барвақт ёрдам бериш хизматини жорий этишга оид чора-тадбирлар ҳажми янада ортди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда ҳар бир фарзанд давлат ва жамиятимизнинг доимий эътиборида эканининг амалий ифодасидир.

...«Туркистон» саройининг камалакранг чироқлар, ёрқин шарлар билан безатилган фойесида чорлов мусиқаси садолари янграйди. Ушбу байрамни кўтаринки руҳда, юксак савияда ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, «Sen yolg`iz emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан қизғин тайёргарлик кўрилди.

Арча атрофига жам бўлган болаларга турли эртак ва мультфильмлар қаҳрамонлари ҳамроҳ бўлиб, биргаликда Қорбобо ва Қорқизни даврага чорлайди. Қорбобою Қорқиз, айиқчаю тулкича, Зумрад ва Қиммат, Насриддин Афанди каби севимли қаҳрамонлар билан байрам янада завққа тўлади.

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодга кўрсатилаётган чексиз меҳр-эътибор, ёруғ ва саодатли, тинч-осойишта кунларимиз, мусаффо осмонимиз, истиқлолнинг азиз неъматлари, бахтиёр болаликнинг беғубор онлари, нуроний отахон ва онажонларни улуғловчи куй-қўшиқлар янграйди. Эстрада ижрочилари ва цирк усталари иштирокидаги мусиқий дастур, ранг-баранг рақслар, болаларнинг зеҳнини чархловчи турли ўйинлар, тез айтишлару топишмоқлар байрамга янада жўшқинлик бағишлайди. Топқир, зеҳнли ва зийрак ўғил-қизларга Қорбобо ўйинчоқлар, китоблар, ширинликлар совға қилади.

– «Президент арчаси» тантаналарини мен ҳам орзиқиб кутдим, – дейди Юнусобод туманидаги 23-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси 11 ёшли Гўзал Насриддинова. – Ушбу байрамга бағишлаб янги шеърлар ёд олдим, қўшиқлар ўргандим. Арча атрофида мазза қилиб рақсга тушдик. Қувноқ томошалардан баҳраманд бўлдик. Бундай завқли байрам учун Президентимиздан жуда миннатдормиз.

Арча атрофидаги томошалардан сўнг болалар залга таклиф этилди. Улар учун «Томоша» болалар студияси томонидан тайёрланган «Мўъжизалар китоби» театрлаштирилган дастури намойиш этилди.

Болаларга Президентимизнинг Янги йил совғалари топширилди.

Бундай тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда бўлиб ўтмоқда.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**
**Сарвар Ўрмонов**
**(ЎзА) олган суратлар**

МАЙКЛ ТОМАС:

## «ЎЗБЕКИСТОНДА ЎТКАЗИЛГАН САЙЛОВЛАР БОШҚА ДАВЛАТЛАР УЧУН ҲАМ НАМУНА БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛА ОЛАДИ»

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва давлат ҳокимияти вакиллик органларига 21 декабрь куни бўлиб ўтган сайловлар жараёнида халқаро кузатувчи миссиясини бажарган «Pathfinder Trade & Invest» компанияси ижрочи директори Майкл Томас (Буюк Британия) ўз мамлакатига қайтганидан сўнг «Жаҳон» ахборот агентлигига интервью берди. Мухбиримиз билан суҳбат чоғида у юртимизда ўтказилган парламент сайловлари хусусидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.***

— Мамлакатингизда овоз бериш жараёнларини мониторинг қилиш учун олтита сайлов участкасида бўлдим, — деди у. – Бундан ташқари, Ўзбекистон экологик ҳаракатининг конференциясида ҳам иштирок этдим.

Айтиш жоизки сайловда, ташкилотчилар томонидан ҳам, аҳоли томонидан ҳам мазкур жараёнга жиддий ёндашув сезилиб турди. Дам олиш куни бўлишига қарамасдан, ўзларининг конституциявий ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда, хоҳиш-иродасини билдириш учун кўп сонли сайловчиларнинг овоз беришга келгани буни яққол тасдиқлайди. Шубҳасиз, улар мамлакат тараққиётининг келажаги ушбу воқелик билан бевосита боғлиқ эканлигини жуда яхши англаб етишган.

Сайлов участкалари ҳам жуда тўғри ташкил этилди. Хусусан, участкаларнинг ҳар бирига икки-уч минг нафар аҳоли бириктирилган экан. Бу одамларнинг тўпланиб қолишлари ҳамда узоқ навбат кутишларига эҳтиёж қолдирмади. Яширин овоз бериш учун алоҳида бўлмаларнинг ташкил қилингани ҳам сайловчиларга ҳеч қандай аралашувларсиз ўзлари танлаган номзодни ёқлашларига қулай имконият туғдирди.

Ташкилотчилар овоз беришни рағбатлантириш учун барча зарур шарт-шароитни муҳайё қилишди. Шифокорларнинг доимий навбатчиликда туришгани, овоз беришга келган болали аёллар учун махсус она ва бола хонасининг ташкил этилгани ана шулар жумласига киради.

Сайловчиларга ҳеч қандай босим ўтказилмади, овоз бериш жуда эркин, адолатли ҳамда шаффоф тарзда ўтди.

Сайлов участкаларидаги очиқ ва амалий муҳит менга ҳамда бошқа халқаро кузатувчиларга ўз миссияларини хотиржам ва ҳеч қандай тўсиқларсиз бажариш имконини яратди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш бўйича Ўзбекистон экологик ҳаракатининг конференцияси ҳам жуда мазмунли кечди. Менинг фикримча, Экоҳаракат мамлакатда атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва саноат ривожланиши ўртасидаги мувозанатни сақлаб туришга кўмаклашадиган жиддий ташкилотдир.

Умуман олганда, сайловлар халқаро ва миллий қонунчиликка мувофиқ ташкил этилди. Мен ташкилотчилар ва мазкур жараённинг барча иштирокчиларини ушбу сиёсий жараённинг муваффақиятли ўтказилгани билан табриклайман. Тўла масъулият билан айтишим мумкинки, бундай ташкилотчилик ишлари бошқа давлатлар учун ҳам намуна бўлиб хизмат қила олади.

**«Жаҳон» АА**
Лондон

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Самарқандда Янги йил байрами муносабати билан анъанавий «Самарқанд ширинликлари» кўрик-танлови ўтказилди. Танловда иштирокчилар томонидан тайёрланган байрам тортлари, тантанали маросимлар учун пишириқлар, мева ва шифобахш гиёҳлардан тайёрланган шарбатлар, мураббо ва шиннилар, туршак, майиз, асал маҳсулотлари намойиш этилди.**

**• Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида «Президент арчаси» байрам шодиёналари бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, «Sen yolg`iz emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси ва бошқа бир қатор ташкилот ҳамда муассасалар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирга ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари тарбияланувчилари, Ватанимиз тинчлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш йўлида ҳалок бўлган ҳуқуқ-тартибот идоралари вакилларининг фарзандлари таклиф этилди.**

**• Бухорода Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилган фахрийларга Янги йил байрами туҳфаси – Президент совғалари топширилди.**

**• Фарғонада «Нуронийлар ва ёш авлод учрашуви» деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда шаҳар ва туманлардан келган нуронийлар, ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.**

**• Наманганда 2014 йилда спорт ва санъат йўналишида юксак натижаларга эришган бир гуруҳ ёшларни тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

### ЖАҲОНДА

**• Жаҳон фотосаноатида нуфузли саналган «Kodak» компанияси смартфон ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи. Дастлабки маҳсулот 2015 йилнинг январь ойида харидорлар эътиборига ҳавола қилинади.**

**• Франциянинг шимоли-шарқий ҳудудларида кучли қор бўронлари кузатилмоқда. Оқибатда йўлларда минглаб километрга чўзилган тирбандликлар юзага келди. Ҳайдовчилар чорасизликдан ўз машиналарини ташлаб кетишга мажбур бўлишяпти.**

**• Миннеаполис шаҳри (АҚШ)нинг айрим ҳудудларида яшовчи аҳоли вакиллари сониясига 10 гигабит тезликда ишлайдиган интернет хизматидан фойдаланишлари мумкин. Бундай қулайликни «US Internet» оператори яратиб берди. Глобал тармоқнинг ойлик абонент тўлови тўрт юз АҚШ долларини ташкил этади.**

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

## ВАТАН — УЛУҒ, БУРЧИМ МУҚАДДАС

***Тошкентда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тадбирларни оммавий ахборот воситаларида янада кенг ёритиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг 2014 йилги фаолияти якунлари ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

Жамоатчилик кенгаши раиси И.Мирзаалиев, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев, Мудофаа вазирлигининг давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бўлими бошлиғи, подполковник М.Абилов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армияни шакллантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 9 декабрдаги Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги фармойишига мувофиқ мамлакатимизнинг барча ҳудудида ушбу санага бағишлаб «Ватан – улуғ, бурчим муқаддас» шиори остида маънавий-маърифий, маданий тадбирлар ўтказилмоқда. Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Жамоатчилик кенгаши аъзолари, таниқли фан арбоблари, ижодкорлар, маданият, спорт соҳаси вакилларидан иборат тарғибот-ташвиқот гуруҳлари томонидан ҳам ҳарбий қисм ва муассасаларда, юрт тинчлигини сақлаш йўлида фидойилик кўрсатаётган ҳарбий хизматчилар билан маҳаллалар, корхоналар ва таълим муассасаларида учрашувлар ўтказиш режалаштирилган.

Тадбирда мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги иштироки йилдан йилга кучайиб бораётгани қайд этилди. Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши халқ ва армияни боғловчи муҳим бўғин бўлиб хизмат қилаётгани бунинг далилидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурида Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ жорий йилда Жамоатчилик кенгаши томонидан олий ҳарбий таълим муассасалари ва ҳарбий қисмларда кўплаб учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилди. Бу тадбирлар бўлинмалар ва ҳарбий қисмларда соғлом маънавий муҳитни таъминлаш, Мудофаа вазирлигининг бу борадаги фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Жамоатчилик кенгаши аъзолари жойларда бўлиб, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-маиший ва хизмат шароитларини яхшилашга қаратилган давлат дастурлари ижроси билан танишди. Чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналари билан суҳбатлар ўтказилиб, кенг жамоатчиликнинг мудофаа ва ҳарбий қурилиш борасидаги фикр ва таклифлари таҳлил қилинди.

Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, йигит-қизларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, ҳарбий-спорт машғулотларини ташкил этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Тадбирда Жамоатчилик кенгашининг истиқболдаги вазифалари ҳақида ҳам батафсил сўз юритилди. Хусусан, ҳарбий хизматчиларда юксак маънавият ва маданиятни шакллантириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбий хизматнинг нуфузини юксалтиришга қаратилган маданий-маърифий тадбирлар ва учрашувлар ташкил этиш каби ишлар режага киритилди.

**З.ЖОНИБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири**

**2014 йил — Соғлом бола йили**



*Ўзбек Миллий академик драма театрида «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида тадбиркор аёллар ўртасида ўтказилган «2014 йилнинг энг яхши лойиҳаси» танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.*

# ЭНГ ЯХШИ ТАДБИРКОРЛИК ЛОЙИҲАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирга хотин-қизлар қўмиталари, банк-молия ташкилотлари мутасаддилари, фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, тадбиркор аёллар таклиф этилди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов, Марказий банк департаменти директори А.Қосимов, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизлар манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг иқтисодий-ҳуқуқий билимини юксалтириш, оилалар фаровонлигини ошириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак натижалар бераётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда банк-молия муассасалари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, коллежларни тамомлаган қизларни ишга жойлаштириш, ўз хусусий ишини бошлаш истагидаги битирувчиларга кўмак бериш, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга оид қатор лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳалар аёлларнинг оғирини енгил қилиш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитлари яратиш имконини бермоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган «2014 йилнинг энг яхши лойиҳаси» танловига тадбиркор аёллардан тақдим этилган ижтимоий аҳамиятга молик 15 бизнес лойиҳа саралаб олинди.

Танлов ғолибларидан бири – Гўзалой Жўраева Шаҳрихон туманидаги «Superbekajon» хусусий корхонасида меҳнат қилади. У тақдим этган ландшафт дизайнига оид лойиҳа қишлоқ кўчаларини обод қилиш, атрофни маҳаллий иқлим шароитига мос гуллар, ўсимлик ва майсалар, манзарали дарахтлар билан безашни кўзласа, сирдарёлик Ҳимоят Эралиева иссиқхонада сархил сабзавотлар етиштириш ва «Соғлом аёл маркази» фаолиятини йўлга қўйишни, хоразмлик Нилуфар Искандарова эса сут маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхона очишни режалаштирган.

– Президентимиз раҳнамолигида аёлларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликни ҳар жабҳада яққол ҳис этмоқдамиз, – дейди қорақалпоғистонлик тадбиркор Дилфуза Жиенбекова. – Менинг бизнес лойиҳам Нукус шаҳрида меҳмонхона хўжалигини ривожлантириш, сайёҳларга сервис хизматини такомиллаштиришни кўзлайди. Унинг ҳаётга жорий этилиши натижасида ўнлаб коллеж битирувчилари иш билан таъминланади.

«2014 йилнинг энг яхши лойиҳаси» танлови ғолибларига банк маблағларини кафолатловчи сертификатлар ва эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**
**Ёлқин Шамсиддинов (ЎзА)**
**олган сурат**

*Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида мамлакатимиз энергетикаси истиқболига бағишланган республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.*

# ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Унда мамлакатимиз ва чет эллик олимлар, Ўзбекистоннинг йирик саноат корхоналари раҳбар ва мутахассислари, манфаатдор вазирлик ва идоралар вакиллари, пойтахтимиздаги олий ўқув юртларининг ўқитувчилари ҳамда иқтидорли талабалари иштирок этди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети, Фанлар академиясининг Энергетика ва автоматика институти, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси ва «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси томонидан ташкил этилди.

Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш ва муқобил энергетикани ривожлантириш муҳим вазифа бўлиб, уларнинг ҳал этилиши Ўзбекистон энергетика тармоғини янада ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 1 мартда қабул қилинган «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони соҳани янада ислоҳ этишда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Конференцияда мамлакатимизнинг муқобил энергетика соҳасидаги илм-фан ютуқлари намойиш этилди, олимлар ва турли корхоналар мутахассисларининг бу борадаги ишланмалари кўриб чиқилди, чет эллик ҳамкасблар билан фикр ҳамда тажриба алмашилди.

– Техника тараққиёти илгари қиммат турадиган ва иқтисодий самарасиз деб ҳисобланган муқобил энергия манбаларини фойдаланиш мумкин бўлган ишончли манбага айлантирмоқда, – дейди ЎзА мухбирига Энергетика ва автоматика институти бўлим мудири Р.Зоҳидов. – Мамлакатимиз табиий-иқлим ресурсларига бой ва ушбу ресурслар муқобил энергетикани ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Юртимизда бир йилда 300 кундан ортиқ қуёш порлаб туради ва бу саноат мақсадида электр энергияси олиш учун қуёш энергиясидан фойдаланиш имконини беради.

Шу муносабат билан Фанлар академиясининг «Физика-Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолияти атрофлича ўрганилди. Бу ерда олиб борилаётган тадқиқотлар натижалари халқаро эътирофга сазовор бўлмоқда. Бирлашмада сув ва иссиқлик таъминоти қурилмаларини яратиш, махсус материаллар ишлаб чиқаришда қуёш энергиясидан фойдаланиш, материал ва конструкцияларга термик ишлов бериш бўйича илмий-тадқиқот ҳамда тажриба-конструкторлик ишлари фаол амалга оширилмоқда.

Конференцияда саноат корхоналарида инновацион технологияларни жорий этишда иқтисодий самарадорликни ошириш, бино ва иншоотларда энергия таъминотини мониторинг қилиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

**Р.БОНДАРЧУК**

*Яшнобод тумани ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

# ЯШНОБОД ТУМАНИДА ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ ВА ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ 2015 ЙИЛ УЧУН БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1998 йил 5-6-сон, 97-модда), «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 йил 7-сон, 353-модда), Ўзбекистон Республикаси «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг 8-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 йил 4-сон, 190-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил 15-сон, 156-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида»ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил 34-сон, 333-модда, 2010 йил 13-сон, 96-модда, 2011 йил 1-2-сон, 4-модда, 2012 йил 44-сон 507-модда) мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2015 йилга мўлжалланган банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларни белгилаш бўйича туман махсус комиссиясининг 2014 йил 18 сентябрдаги баённини инобатга олиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Яшнобод туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги 236 та ташкилотларда аҳолининг қуйидаги тоифалари учун жами 1774 та иш ўринлари банд қилиб қўйилсин:

ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун – болаларини тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалга эга бўлган иш ўринлари;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларини тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлиғининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

одам савдосидан жабрланганлар учун иш ўринлари.

2. Яшнобод туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2015 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

3. Иш ўринларини банд қилувчи ташкилотлар раҳбарларига:

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2014 йил якунланишидан 10 кун олдин банд қилинган иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2015 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг қолган қисми 75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир тоифа бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига тақдим этилсин;

иловадаги шахслар учун иш ўринларининг санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шароитларига мувофиқлаштирилиши таъминлансин.

4. Ушбу қарор ижроси бажарилмаган тақдирда ташкилотнинг мансабдор шахсларига «Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги Низом»нинг 15-бандига мувофиқ жарима солинади.

5. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини иловада белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларнинг бир қисмини туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

6. Бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази (О.Эргашев):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин.

7. Яшнобод туман ҳокимининг 2013 йил 30 сентябрдаги «Ҳамза туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2014 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида»ги 362-сон қарори 2014 йил 31 декабрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Яшнобод туман ҳокими ўринбосари Б.Валиев зиммасига юклатилсин.

**Яшнобод туман ҳокими**
**Ф.Хакимов**

*2014 йил 30 сентябрь*

***Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг toshkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.***

# МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИ — ИШОНЧЛИ ҲИМОЯДА

***Пойтахтимизда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда касаба уюшмалари фаоллари, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, банк, молия, солиқ тузилмалари мутасаддилари иштирок этди.***

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева, Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг биринчи ўринбосари Б.Алимуҳамедов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида аҳолини аниқ манзилли ижтимоий ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида реал иқтисодиёт соҳалари учун малакали мутахассислар тайёрлаш, янги иш ўринлари ташкил этиш, ходимларга муносиб меҳнат шароитлари яратиш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда меҳнатга оид миллий қонунчилик мунтасил такомиллаштирилаётгани меҳнат бозорини тартибга солиш, фуқароларнинг меҳнат қилишга оид ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, ёш мутахассисларни ишга жойлаштириш, бунда жамоатчилик назоратини тизимли тарзда ўрнатиш имконини бермоқда.

Ишчи-ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини муҳофаза қилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Республика Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид бош келишув алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда касаба уюшмалари аъзолари меҳнатидан фойдаланувчи юридик шахсларнинг 96,3 фоизи жамоавий шартнома муносабатлари билан қамраб олинган. Унинг асосида жамоа шартномалари ва келишувларининг зарур ҳуқуқий банд ва бўлимлар билан бойитилаётгани ходимларга қулай меҳнат ва дам олиш шароитини яратишга хизмат қилмоқда. Бу жиҳатлар меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этиш, ходимлар учун узайтирилган асосий ва қўшимча таътиллар ўрнатиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш ва ҳимоялаш, ишчи-ходимлар фарзандлари ва оила аъзоларини соғломлаштиришда ўзининг яққол ифодасини топмоқда.

Давра суҳбатида Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳамда вазирлик, идора ва ташкилотлар ўртасида бандлик, ижтимоий ҳимоя, янги иш ўринлари яратиш борасидаги вазифалар, ижтимоий соҳани ривожлантириш, давлат бюджетидан молиялаштириладиган корхона ва ташкилотларда ижтимоий ҳимоя ҳамда меҳнат муҳофазасини янада самарали йўлга қўйиш бўйича фикр алмашилди.

Касаба уюшмалари фаоллари томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш, иш ўринларини шаҳодатдан ўтказиш, ходимларни махсус кийим ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, иш берувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш, қишлоқ хўжалиги ходимларига бериладиган кафолатларга оид саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

**(ЎзА)**

*2-Тошкент юридик коллежида Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг аҳамияти ва жиноятчиликка қарши курашдаги ўрни мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.*

# ҚОНУНИЙЛИККА РИОЯ ЭТИЛИШИНИНГ КАФОЛАТИ

Унда Ички ишлар вазирлиги академиясининг кафедраси доцентлари, коллеж ўқитувчилари ва ўқувчилари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққан ИИВ академияси кафедраси доценти, подполковник F.Ҳамидов ва бошқалар жиноятчиликка қарши курашиш, унинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни тезда фош этишда мазкур қонуннинг ўрни ва аҳамияти ҳақида гапириб ўтдилар.

«Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонун тезкор-қидирув кўринишидаги тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунийликка риоя этилишининг аниқ ҳуқуқий кафолатидир. Унда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг хавфсизлиги ва манфаатларини таъминлаш, жиноятларни аниқлаш, олдини олиш, тўхтатиш ва очиш, уларга дахлдор бўлган шахсларни аниқлаш, суриштирув, дастлабки терговорганлари ва суддан яширинган, жиноий жазони ўташдан бўйин товлаб қочиб юрган шахсларнинг қидирувини амалга оширишга қаратилган тезкор-қидирув хусусиятидаги тадбирларни тартибга солишнинг қонуний асоси мустаҳкамланган.

ИИВ академиясидан ташриф буюрган ўқитувчилар томонидан мавзуга оид маърузалар қилиниб, ушбу қонуннинг моддаларига тўхталиб ўтилди ва унинг мазмун-моҳияти ўқувчиларга батафсил тушунтирилди.

Давра суҳбати давомида коллеж ўқувчилари ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан етарлича жавоб олишди.

**А.СОДИҚОВ**

# ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

***Сўнгги йиллар мобайнида мамлакатимизда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш орқали унинг жамият ҳаётидаги ролини оширишга қаратилган қатор амалий тадбирлар амалга оширилди.***

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар жараёнида жиноий, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ишлар бўйича одил судловни амалга оширишни таъминловчи замонавий талабларга ҳар тарафлама жавоб берадиган етук қонунчилик базаси яратилди. 2001 йил 29 августда «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши натижасида прокуратура органлари ва судлар фаолиятига оид ҳуқуқий янгилик амалга киритилиб, прокурорларнинг судлар қарорлари ижросини тўхтатиб туриш ваколати бекор қилинди. Кейинчалик эса илгари прокуратура органлари томонидан амалга ошириб келинган қамоққа олишга санкция бериш ва судгача бўлган жараёнда амнистия актинини қўллаш масалалари судларга юклатилиб, прокурор ваколатлари қисқартирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, судьяларнинг иш ҳақи ўртача икки баробар оширилди, фуқаролик ишлари бўйича судларни оптималлаштириш, судларнинг фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, юридик таълим ва юридик кадрларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари кўзда тутилди. Бундан ташқари, 2012 йил 10 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Судлар фаолиятига замонавий технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ судлар фаолиятида компьютерлаштириш даражасини ва компьютер техникасидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, улар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш вазифаси белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2012 йил 7 декабрдаги «Прокуратура органлари ходимлари сафидан судьялик лавозимига кадрлар захирасини шакллантириш тўғрисида»ги буйруғининг чиқарилиши билан ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва модернизация қилиш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида прокуратура органлари ходимлари сафидан судьялик лавозимига тавсия қилиб бориш прокуратура органларининг олдига қўйилган ғоят муҳим вазифалар қаторига киритилиши белгиланди. Судьялик лавозимига номзодлар Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида хизмат қилаётган тажрибали, чуқур билимга, зарур амалий тажрибага эга ходимлар орасидан танланиши қайд этилиб, судьялик лавозимига номзодларнинг захираси рўйхатига юқори малакали, катта ҳаётий тажрибага, бенуқсон обрў-эътиборга, олий юридик маълумотга, прокуратура ва Департамент органларида камида беш йил иш стажига эга бўлган, ўттиз ёшдан кичик бўлмаган ва ички хавфсизликни таъминлаш инспекцияси хулосасига кўра ижобий тавсифланган ходимлар киритилди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 11 майдаги «Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида»ги буйруғининг чиқарилиши судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштирокини малакали таъминлашда янада самарали ўзгаришларни белгилаб берди десак, муболаға бўлмайди.

2012 йил 19 сентябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни кучга кириши билан айбланувчини лавозимидан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш масалалари ҳам энди прокурор томонидан эмас, балки суд мажлисида прокурорни суд процессининг қатнашчиларидан бири тариқасидаги иштирокида ҳал этиладиган бўлди.

Суд ҳуқуқ соҳасидаги бундай самарали ислоҳотларнинг амалга оширилиши давом этмоқда.

**Садоқат АБДУРАҲМОНОВА,**
**Олмазор тумани прокурори ёрдамчиси**

Реклама ўрнида

# ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ ЖАМОАСИ

БАРЧА ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗНИ

кириб келаётган янги – 2015 йил билан эзгу тилакларни изҳор этган ҳолда самимий қутлайди.

**Азизлар, 2015 йилда дилингиздаги барча эзгу истак ва ниятларингиз ижобат бўлишига тилакдошмиз.**

Хонадонларимиздан тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат, файзу барака аримасин. Байрамона кўтаринки кайфият ҳамиша бардавом, толеимиз баланд, ризқу насибамиз зиёда бўлсин!

htb hi-tech bank

ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР!

Барчангизни файз-тароват билан кириб келаётган янги – 2015 йил байрами билан чин кўнгилдан табриклаймиз. Сизларга сиҳат-саломатлик, яхши кайфият ва омад тилаймиз. Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!

ХАТБ "HI-TECH BANK" ЖАМОАСИ

Universalbank

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчангизни орзиқиб кутилган Янги йил байрами билан самимий қутлаймиз. Сизларга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонингизга тинчлик ва файзу барака тилаймиз. Қалбимиздан янги йил шукуҳи ҳеч қачон аримасин!

ХАТБ "UNIVERSAL BANK" ЖАМОАСИ

"ТОШКЕНТ ШАҲАР ДАВЛАТ МУЛКИНИ ИЖАРАГА БЕРИШ МАРКАЗИ" ДАВЛАТ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

БАРЧА ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗНИ

қутлуғ қадамлар билан кириб келаётган Янги – 2015 йил Кексаларни эъзозлаш йили билан чин дилдан табриклайди.

Эл-юртимиз фаровонлиги йўлида амалга ошираётган барча ишларингизда улкан муваффақиятлар тилайди. Йил давомида яхши кайфият ва омад сизларни асло тарк этмасин. Оилангизга бахту саодат ёр бўлсин, хонадонларингиздан тинчлик-хотиржамлик ва файзу барака аримасин!

ХАЛҚАРО "ОЛТИН МЕРОС" ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

СИЗЛАРНИ КИРИБ КЕЛАЁТГАН 2015 ЙИЛ БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ.

ҚУТЛУҒ ЙИЛДА ДИЛИНГИЗДАГИ БАРЧА ЭЗГУ НИЯТЛАРИНГИЗ АМАЛГА ОШСИН, ХОНАДОНИНГИЗДА ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИК, СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, БАХТ-САОДАТ ҲУКМРОН БЎЛСИН!

*Хўжалик ҳисобидаги Сергели туман Дезинфекция станцияси Тошкент шаҳар Сергели туманидан рўйхатдан ўтган Т.С.Р.У.И.реестр рақами 000912-06. 31.10.2008 йил. (ИНН 200641352), ОКПО 17001328, манзилимиз Спутник-11, Мардлик кўчаси, 56-уйда жойлашган. Шуни маълум қиладики, Хўжалик ҳисобидаги Сергели туман Дезинфекция станцияси ўрнига давлат унитар корхонаси деб аталади.*

*Сергели туман дезинфекция станцияси давлат унитар корхонаси ҳар қандай шикоят ва хатларни 258-52-44 телефони орқали 3 ой ичида қабул қилади.*







Реклама ўрнида




**Янги йил байрами**

## БОЛАЛАРГА БАЙРАМ ТУҲФАСИ

***Янги йил – беғубор орзу-умидлар айёми. Ушбу байрам барчага, айниқса, кичкинтойларга бир олам қувонч ва шодлик бағишлайди.***

Шу кунларда юртимизнинг барча ҳудудида Янги йил байрамини муносиб нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Республика ёш томошабинлар театри ҳам бу борада ўғил-қизларга ўзига хос байрам туҳфаси ҳозирлади. Бир-биридан қизиқарли театрлаштирилган байрам дастурлари болаларга мунтазир.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларда ўғил-қизларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, таълим самарадорлигини янада юксалтириш, ёшларни Ватанимиз келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган том маънодаги ҳал қилувчи кучга айлантиришдек эзгу мақсадлар ўз ифодасини топган.

Мамлакатимизда маънавият ва маърифат маскани бўлган театрлар, жумладан, ёшлар театри фаолиятини янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар навқирон авлоднинг маънавиятини бойитиш, билим ва салоҳиятини юксалтириш, бўш вақтини мазмунли ўтказишга ҳисса қўшмоқда.

– Жамоамиз Янги йил байрамида болалар учун бир-биридан ажойиб кўнгилочар дастурларни туҳфа этиш ниятида, – дейди ЎзА мухбирига Республика ёш томошабинлар театри адабий драма бўлими бошлиғи Наргис Маҳкамова. – Бундай қизиқарли томошалар кичкинтойларга хушкайфият улашиши шубҳасиз.

**Фарида ИБОДОВА**

**Болалар спорти**

## ИҚТИДОРЛИ СПОРТЧИЛАР МАСКАНИ

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни спортга кенг жалб этиш, уларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб вояга етказишга қаратилаётган юксак эътибор самарасида спорт билан шуғулланувчи ўғил-қизлар сафи кенгайиб бормоқда.***

Пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги 38-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳам ёш иқтидор эгаларини қўллаб-қувватлаш, маҳоратли спортчилар ва мураббийлар тайёрлашга ўз ҳиссасини қўшаётган масканлардан.

Мазкур спорт мактаби 2006 йилдан болалар спорт мажмуаси сифатида фаолиятини бошлаган. 2014 йил апрель ойидан бошлаб болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мақомини олгач, муассасадаги тўгараклар фаолияти янада такомиллашди, унга қатновчилар сафи кенгайди.

Спорт мактабидаги футбол, бадминтон, бокс, бадиий гимнастика, таэквондо (WTF), кураш, кикбоксинг ва универсал жанг каби секцияларда 500 нафарга яқин ўғил-қиз мунтазам шуғулланмоқда.

Болалар машғулотларда 70 турдан зиёд спорт жиҳозлари ва инвентарларидан фойдаланади. Бугунги кунда 13 нафар олий маълумотли мураббий ўғил-қизларга спорт сир-асрорини ўргатиб, тарбияланувчиларнинг тажриба ва маҳоратини ошираётир.

– Мактабимиз замонавий спорт анжомлари билан тўлиқ жиҳозланган, – дейди ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Алишер Омонов. – Тарбияланувчиларимиз ўқув масканимиздан ташқари, пойтахтимизнинг Учтепа, Чилонзор ва Сергели туманларидаги умумтаълим мактабларида футбол, бокс ва бадминтон бўйича спорт секцияларида машғулот ўтказишади.

Мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаб келаётган Азизбек Исроилов 10 ёшидан бошлаб спортнинг кикбоксинг ва универсал жанг турлари бўйича тажрибали мураббий Бахтиёр Аъзамов қўли остида маҳорат оширмоқда. Азиз 2012-2014 йилларда кикбоксинг бўйича уч карра мамлакат чемпионлигини қўлга киритган.

– Йирик мусобақаларда қатнашишни болаликдан орзу қилардим, – дейди у. – Мактабимизда спорт билан шуғулланишимиз учун яратилган кенг имкониятлардан фойдаланиб, ниятимга эришмоқдаман. Ютуқларим келгусида янада юксак марраларни забт этишимда кучғайрат бағишлайди.

Спорт мактабида Азизбек сингари ёшлар кўп. Кикбоксинг, бадминтон, универсал жанг бўйича Беҳзод Тўлаганов, Сардор Ниғматов, Виктория Чумак каби кўп карра мамлакат чемпионлари етишиб чиқмоқда.

– Келаси йили Хоразм вилоятида ўтказиладиган «Умид ниҳоллари – 2015» спорт мусобақаларида бадминтон бўйича Тошкент шаҳри шарафини ҳимоя қиламан, – дейди Ўзбекистон чемпиони Виктория Чумак. – Ушбу мусобақага пухта тайёргарлик кўряпман. Мақсадим – келгусида жаҳон ва қитъа чемпионатларида қатнашиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш.

**Нурилло НАСРИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

Яккасарой енгил саноат касб-ҳунар коллежида 2015 йил 2 январдан коллеж ошхонасида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида танлов эълон қилинади. Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Аския кўчаси, 27-уй. Тел: 255-42-59, 255-57-19.

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.**

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **31 декабрь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Эрталаб ва кечқурун туман тушиши эҳтимоли мавжуд. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 2-4, кундузи — 12-14 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **31 декабрь ва 1 январь** эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 1255
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5605 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 14.00
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 · 5